

Шарҳ: Муаллиф бу қўшимчани аввалги ҳадисни тўлдириш шаклида келтирмоқда.

«Икки Шайх»дан мурод, Имом Бухорий ва Муслим эканлиги маълум ва машҳур. Бу икки буюк муҳаддис Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан байъат ҳақида бошқа ривоят ҳам келтирганлар. Унда Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳу ушбу юқорида келтирилган маъноларни айтган эканлар. Бунда аввалгисидан бошқача шартлар бор:

1. «Қийинчилигу осонликда, ғайрат келиб турганда-ю малол келиб турганда, ўзимиздан бошқа устун қўйилганда ҳам қулоқ осиб, итоат қилиш».

Албатта, бу ерда назарда тутилаётган қулоқ солиб, итоат қилиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва мусулмон раҳбарларга бўлади. Бу шарт ҳар бир жамият учун жуда зарур. Бошлиққа қулоқ осиб, итоат қилинмаган жойда тартиб-интизом, муваффақият бўлмайди. Шунинг учун ҳам Ислолда бу нарсага катта аҳамият берилган.

2. «...ишни ўз аҳлидан низо қилмаслик».

Саҳобаи киромлар истилоҳида ишбошилиқ «иш» деб юритилган. «Бу иш ҳақида сўровдим», «Бу иш тўғрисида гап юритадиган бўлсак» каби ибораларда ишбошилиқ кўзда тутилган. Бу ерда ҳам, бу ишни ўз аҳлидан низо қилмаслик деганда ишбошилиқни бу лавозим топширилган одамдан олиб қўйиш учун талашиб-тортишмаслик маъноси келиб чиқади. Чунки агар шундай бўлмаса, талабгорлар кўпайиб, мансаб учун уруш-жанжал авжга чиқиши мумкин.

3. «Қаерда бўлсак ҳам, Аллоҳ учун маломатчининг маломатидан қўрқмасдан, ҳақ гапни гапириш...».

Бу мусулмончилиқнинг кўзга кўринган фазилатларидан биридир. Қаерда бўлса ҳам, ҳеч нарсадан қўрқмасдан, Аллоҳ учун фақат ҳақ гапни айтиш – чин мусулмон одамнинг сиймоси. Аллоҳнинг розилиги ана шундай топилади. Шунинг учун ҳам, бу нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қилинган байъат шартларига қўшилган.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан қилинган яна бир ривоятда халифалиқ ишини низо қилмаслик тўғрисидаги шартдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Магар очик-ойдин куфр кўрсангиз ва сизда Аллоҳдан бурҳон – ҳужжат бўлса», деганлар.

Яъни агар очик-ойдин куфрнинг содир бўлганини кўрсангиз ҳамда сизда бунга кучли ва аниқ ҳужжат бўлса, низо қилсангиз бўлади, демоқчилар. Бошқа хатолар юз берса, мусулмонлар насихат қиладилар, хатони очик кўнгил билан кўрсатадилар. Буни қабул қилиш лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан